MILLIY KITOB PALATASI
INV.№





Саноат

# УНУМЛИ ДАСТГОҲЛАР

***Тошкент матбаа комбинати 1991 йилдан бошлаб ижара корхонаси сифатида фаолият кўрсата бошлади. Улар янги ишни корхонани янги дастгоҳлар билан жиҳозлашдан бошладилар.***

Ўтган йиллар давомида 23,5 миллион сўмлик янги машина-ускуналари келтирилди. Ишчи-хизматчилар бу дастгоҳларни тезда ўзлаштириб олишга эришдилар. Натижада йилдан-йилга корхонада меҳнат унумдорлиги ортиб, тушаётган соф фойда миқдори ўсиб бормоқда. 1996 йили корхона 33 миллион сўм соф фойда олган бўлса, Инсон манфаатлари йилида бу кўрсаткич янада салмоқли бўлди.

Ижара корхонаси асосан ўқув дарсликлари, болалар, ижтимоий-сиёсий адабиётлар ишлаб чиқаради. Корхона аҳли ўз имкониятларидан келиб чиқиб маҳсулот ишлаб чиқариш турини кўпайтириб бормоқда: ўқув юртлари учун дипломлар, ташкилотлар ва фирмалар учун турли хил варақалар ва бошқа турдаги буюртмалар ана шулар сирасига киради.

— Ишимизда сифат бош мезон саналади, — дейди монтаж цехи устаси Б. Бобожонова. — Чунки чиройли, бунинг устига сифатли маҳсулотдан истеъмолчининг кўнгли доимо тўлади. Ишчиларимиз эса олинган фойда эвазига ўзларига кўрсатилаётган ғамхўрлик, яратилаётган шарт-шароитдан мамнун ҳолда меҳнат қилишмоқда. Қанча яхши ишласак шунча яхши даромадга эга бўляпмиз. Албатта, шундан кейин баракали ишлайсизда.

Корхона ўз ишчиларига уй-жой олишда, соғлиқларини тиклашда жуда катта ғамхўрлик кўрсатиш билан бирга меҳнат фахрийларини ҳам доим ёдда тутадилар. Улар яхши кунларда — байрамларда совға ва мукофотлар билан тақдирланадилар.

Шу билан бирга корхона маъмурияти ишлаб чиқаришдан тушаётган фойданинг бир қисмини янги технология сотиб олишга сарфламоқда. Яқинда келтирилган юқори унумли «Циркон», «Кеpосет» сингари офсет машиналари, китобларга жило берувчи «Колбус», «Ротор Биндер» каби автоматик поток линиялари шулар жумласидандир.

*Шоҳида БОБОЕВА.*

*СУРАТЛАРДА: корхона ишчиси Вячеслав Мисков дастгоҳларни моҳирлик билан бошқаради; ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турлари.*

*Рашид Галиев олган суратлар.*



Қурилиш

# ЯНГИ ҚИЁФА КАСБ ЭТАДИ

***Яккасаройлик спорт ишқибозлари яқинда яна бир замонавий кўркам мажмуага эга бўлишади. Улар учун «Тоштўқимачи» ўйингоҳи қайта таъмирланиб фойдаланишга топширилади. Мажмуанинг янги қиёфа кашф этишида «Совпластитал» корхонаси яқиндан ёрдам бермоқда.***

Бир вақтлар номи анча машҳур бўлган бу ўйингоҳ давр ўтиши билан эскириб, замон талабига жавоб бермай қолган эди. Спорт ишқибозлари учун қадрдон бўлган ўйингоҳни таъмирлаб кенгайтириш лозим эди. Тегишли ташкилотлар билан бир тўхтамга келишилгач, бу ерга лойиҳачилар, ундан кейин қурувчилар кириб келишди. Кўп ўтмай бунёдкорлик ишлари бошлаб юборилди.

— Лойиҳачилардан тайёр чизмаларни қабул қилиб олганимизга анча бўлди, — дейди бизга қурилиш участкаси бошлиғи Шермат Самаров. — Дастлаб ишимиз суст борди. Чунки ташкилий масалалар қийинчилик билан ҳал этилди. Хуллас барча машаққатлар ортда қолди. Ҳозир участкада иш қизғин. Бунёдкорлар икки сменада меҳнат қилишяпти.

Қурилишни асосан Ўзбекистон қишлоқ қурилиши трестига қарашли 425-механизациялашган кўчма жамланма бунёдкорлари олиб боришмоқда. Жамланманинг юздан ортиқ қурувчиси ушбу мажмуани белгиланган муддатда фойдаланишга топшириш учун астойдил тер тўкмоқда. Янги ўйингоҳ эскисидан бутунлай фарқ қилади. Бу ерда яшил зонадан ташқари маиший хизмат хоналари, дам олиш хонаси, кийиниб-ечинадиган хона, душхона, хуллас спортчилар учун барча зарурий хоналар ўрин олади. Энг аҳамиятлиси ушбу ўйингоҳ олдингидек очиқ эмас, балки ёпиқ кўринишга эга бўлади. Бу эса ўз навбатида ўйинчилар учун ҳам, томошабинлар учун ҳам қулай бўлиб, ҳар қандай обҳаво шароитида мусобақалар ўтказилишига замин яратади.

— Ҳозир қурувчиларимиз анча ишни бажариб қўйишди. Ер ости бунёдкорлик ишлари аллақачонлар ниҳоясига етказиб бўлинди. Ўтиргичлар ўрнатиладиган пиллапоялар ҳам тайёр, — дейди Ш. Самаров.

Орадан яна бироз муддат ўтади. «Тоштўқимачи» янги ўйингоҳи томошабинларни ўзига чорлайди. Бу ерга келган ишқибозлар соя-салқин ўтиргичларда қизғин мусобақа, учрашув ва баҳсларнинг гувоҳи бўлишади.

*

Шунингдек, туманга қарашли «Бобур» маданият ва истироҳат боғида ҳам таъмирлаш ишлари қизғин бормоқда. Бу ишга жалб этилган бунёдкорлар зиммасига дам олиш масканининг биринчи навбатини Наврўз байрамигача тугаллашдек масъулиятли вазифа топширилган. Боғнинг иккинчи навбат қурилиши эса Мустақиллигимизнинг 7 йиллик байрамини нишонлаш арафасида ниҳоясига етади.

*Маҳмуд ОРИПОВ.*

***Миробод туманига жойлашган ва ҳамиша ўзининг ибратли тадбирлари, меҳнатсевар одамлари, оқибатли кишилари, қалби дарё онахону, табаррук отахонлари, ҳавас қилса арзийдиган оилалари билан фахрланадиган маҳаллалардан бири «Сарикўл» маҳалласидир.***

1998 — Оила йили

# МЕҲР ЧАШМАСИ

Бу кўркам маҳаллага ташриф буюрсангиз озода ва саранжом-саришта кўчаларни, ҳар бир ҳовли атрофидаги гуллар ҳамда мевали дарахтларни кўриб дилингиз яйрайди. Шинамгина маҳалла гузарида эса ҳамиша кекса отахонларнинг ширин суҳбатлари устидан чиқасиз. Кўпни кўрган, ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотиган отахонлар доимо маҳалла оқсоқолига яқиндан ёрдам беришади, ёшларга бош-қош бўлиб, уларни яхши ишларга даъват этади.

— Маҳалламизга кўз тегмасин, — дейди маҳалла оқсоқоли Қудрат Рустамов. — Одамларимиз бир-бирини доим суяйди. Маҳалламизда янги меҳмон-чақалоқ дунёга келса барча қувонади, «Ёр-ёр» билан келган келинчакни ҳамма севинч билан қарши олади. Шунингдек, фарзандларимизни Ватан хизматига жўнатиш, уни кутиб олишда, қўни-қўшничиликда ҳамма бир-бирининг кунига ярайди. Шунинг учун ҳам доимо тўй-маъракаларда кексаларимиз дуога қўл очсалар «Илоҳим, аҳиллигимиз йўқолмасин» деб қўшиб қўйишади.

Чиндан ҳам ушбу маҳалладаги 1040 хонадонда 7500 каттаю-кичик истиқомат қилади. Ўтган Инсон манфаатлари йилида маҳаллада бир қатор ибратли тадбирлар амалга оширилди. Маҳалла фаоллари ўзаро келишиб икки ёш — Рустам Раҳмонбердиев ҳамда Манзура Зиёмуҳамедоваларнинг никоҳ тўйларини маҳалла ҳисобидан чиройли қилиб ўтказиб беришди. «Мустақил Ватанимизга — мустақил оила» тадбирини амалга ошириб яна ака-уканинг никоҳ тўйи маҳалла кўмагида ўтказилди.

Бу йил Наврўз байрамида эса маҳалла аҳли жам бўлиб кам таъминланган оилаларнинг 5 нафар фарзандининг суннат тўйларини ўтказишни режалаган.

Маҳалла аёллари ҳам доимий эътиборда. Бу ерда тез-тез кўчалар озодалиги, чеварлик, пазандалик, келинлик одоби, хонадонлар кўркамлиги бўйича кўрик-танловлар уюштирилиб борилади. Бу танловлар озодаликка, оила тотувлигига, қизларни турмушга тайёрлашда, уларни одоб-ахлоқли бўлиб ўсишларида катта самара бермоқда. Ўқувчиларнинг ёзги таътил кунларида эса маҳаллада турли чеварлик ва пазандалик тўгараклари очилиб, ёш қизлар касб сирларидан воқиф этилади. Шунингдек, маҳалла аҳли ўз фарзандлари таълим оладиган Муқимий номли 154-мактаб жамоаси билан ҳамкорликда иш олиб боради. Бу маҳалладаги ўғил-қизларнинг ахлоқ-одобига, яхши ўқишларига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатмоқда.

— Маҳалланинг туманимиздаги 39 та маҳалла ичида ўзига хос ўрни бор, — дейди туман ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Моҳира Раҳимбердиева. — Хотин-қизлар етакчиси, тиниб-тинчимас аёл Хурсаной Авазованинг алоҳида хизматларини таъкидлаб ўтиш лозим. Маҳалла хотин-қизлар кенгаши раисаси ўтган йили шаҳар бўйича ўтказилган «Намунали маҳалла хотин-қизлар раисаси» кўрик-танловида фахрли 3-ўринни олишга сазовор бўлди.

— Бу йил эса, албатта, юқори ўринни олишга интиламиз, — дейди Хурсаной опа биз билан суҳбатда. — 1998 йилимизнинг Оила йили деб эълон қилинганлиги маҳалламиз аёлларини ҳам қувонтирди. Чунки оила меҳр булоғи бўлса, маҳалла эса ўзига хос чашмадир. Ажлодларимиз ҳамиша ана шу чашмаю меҳр булоқларини авайлаб-асраб келишган. Ана шу меҳр булоқларини асровчи, оила муқаддаслигини таъминловчи, албатта аввало оналаримиз. Она-аёл покиза, оқила, садоқат ва вафода собит бўлса, бу оила мустаҳкамлиги учун энг муҳим омил бўлади. Оила йилида «Энг обод кўча», «Энг файзли хонадон», «Қайнона она — келин унга парвона», «Ибратли оила». «Эр-хотин бахти нимада?», «Фарзанд — умр чироғи», «Аёл — хонадон фариштаси» сингари кўрик-танловлар ўтказиш, турли мавзуларда суҳбатлар уюштириш ниятидамиз.

*Шарофат БАҲРОМОВА.*

Матбаа

# СИЗГА МАНЗУР БЎЛАДИ

***Ғафур Ғулом номидаги бадиий адабиёт ва санъат нашриёти бир туркум китобларни чоп этди. Улар орасида шеърий мажмуалар, санъаткорлар, сўз усталари хусусида баҳс юритувчи рисолалар бор.***

## ЁРҚИН СИЙМО

Маълумки, Ҳамза номидаги ўзбек Давлат академик драма театри республикамиз тўнғич миллий театрдир. 1929 — 30 йилларда отахон театрга бир гуруҳ қобилиятли ёшлар кириб келди. Олим Хўжаев, Шукур Бурхонов, Қудрат Хўжаев, Наби Раҳимов, Ғани Аъзамов, Муҳсин Ҳамидов шулар жумласидандир.

Муҳими шундаки, улар тез орада театр асосчилари бўлмиш биринчи авлод билан тил топишиб, биргаликда ўзбек актёрлик мактаби пойдеворини яратдилар.

Наби Раҳимов ана шу мактабнинг ёрқин сиймоларидан бири эди. У шубҳасиз ўзбек маданияти ва санъати равнақига катта ҳисса қўшган улкан санъаткордир. Лекин шунга қарамай, унинг ижодини тўла ёритиб берувчи рисола шу кунгача чоп этилмаган эди. Омонулла Ризаевнинг «Наби Раҳимов» ижодий портрети 3 минг нусхада босмадан чиқди.

Китоб ёш санъаткорларимиз ва санъат даргоҳида билим олаётган талабалар учун муҳим қўлланма бўлиши турган гап. Чунки асарнинг асосий мақсади Наби Раҳимов ижодининг табиатини, ўзига хослигини, ролга, асар жанрига, партнёрларига, томошабинга бўлган муносабатини ва шу асосда актёрнинг ҳолатга кириш санъати ҳамда услубини ўрганишдир.

## ШОИРНИНГ «БИНАФША»СИ

Чўлпон ўзбек адабиёти ва санъати тарихидаги буюк бир ҳодиса. Тўғрироғи, унингдек сиймоларни халқ асрлар мобайнида бир яратади. «Агар Чўлпон бошқа тарихий-ижтимоий даврда майдонга келиб, унга узоқ яшаш насиб этиб, уни собиқ шўро кишилари бўғиб ўлдирмаганларида, у жаҳоншумул шоир, ёзувчи, драматург ва таржимон даражасига эришган бўлар эди», деб ёзади «Бинафша» шеърий китобининг тўпловчиси профессор Наим Каримов.

Ушбу тўпламга жамланган шеърлар сиз азиз ўқувчини оҳанрабодек ўзига тортиши турган гап.

## «ЎЗИМИЗ ВА СЎЗИМИЗ»

Ўзбек тили туркий тиллар ичидаги энг гўзал, қадимий тилдир. Истиқлол туфайли жамиятимизнинг ҳамма соҳасида бўлгани каби, тил соҳасида ҳам жиддий ижобий ўзгаришлар учун имкониятлар очилди. Тилшунос олим Низомиддин Комиловнинг янги босмадан чиққан «Ўзимиз ва сўзимиз» рисоласи тилимизнинг ўтмиши, бугуни ва истиқболи билан боғлиқ масалалар публицистик руҳда ёритилган.

## ЁШЛАР ТУҲФАСИ

Истеъдодли ёш шоир Муҳиддин Омон шеърият ихлосмандларига «Толе фасли» янги шеърий тўпламини тақдим этди. Шоирнинг бу тўпламига азалий ва абадий мавзу — муҳаббат мавзуидаги шеърлари ҳамда таржималаридан намуналар жамланган. Зеро, шоирнинг шеърларида тараннум этилган муҳаббат — инсоннинг ўз киндик қони тўкилган она юртига, қолаверса, бутун борлиққа бўлган бокира муҳаббатидир.

Сурхондарёлик истеъдодли ёш шоир Ҳайитали Раҳмоннинг «Кафтдаги дунё» шеърий тўпламини сиз муҳтарам шеърхонлар ҳукмига ҳавола этади.

Шоирнинг шеърларида бахшиёна равонлик, халқ оҳангларига яқинлик, халқона образлилик кучли.

Нашриётимиз жамоаси томонидан чоп этилган китоблар сизларга манзур бўлади, деб ўйлаймиз.

*Назира ЖЎРАЕВА.*

***Ҳали тонг ёришмасидан саройдан йўналишдаги троллейбуслар бирин-кетин йўлга — йўловчиларни тезроқ манзилларига етказиш учун ошиқади. Улар орасида тажрибали ҳайдовчи Файзулла Садибоев бошқараётган янги йўналишдаги 28-троллейбус ҳам ўз йўловчилари томон шошилади...***

Касбнома

# КЎЗЛАРИ ЙЎЛДА



Унинг яхши фазилати бор. Троллейбусда бироз носозликни сезиб қолди, уни албатта чилангарлар билан бамаслаҳат, уларнинг кўмагида бартараф этишга эришади. Таъмирлаш сирларини билишда эса уста чилангарлардан қолишмайди.

Файзулла Садибоевнинг сифатларидан яна бири ҳеч қачон ўз ёрдамини аямайди. Шунинг учунми, йигитлар уни ҳамиша сардорликка муносиб кўришади.

Уни 4-троллейбус йўналиши бўйлаб бригадирликка тавсия этишганда, бу йўналишдан жуда кўп эътирозлар тушарди. Сардор ишни аввало меҳнат интизомини яхшилашдан бошлади, шу билан бирга маъмуриятдан яна битта қўшимча троллейбус ажратишни сўради. Унинг талаби қондирилди. Тез кунлар ўтгач йўналиш ишончни оқлай бошлади, албатта. Бу борада тинимсиз меҳнат қилган бригадирнинг жамоада ҳурмати ортиб борди.

Кейинчалик 1-, 22-, 26-троллейбус йўналишларида ҳам ҳайдовчиларга раҳбарлик қилиб, уларнинг кўнглига йўл топа билди. Шу сабабли бўлса керак унинг сўзларига амал қилаётган Эдик Орлов, Эркин Ҳидиров, Зафар Жиянов, Тўлқин Ғаниевлар кам бўлаётганлари йўқ. Йўловчиларга намунали хизмат кўрсатиш, ўз машиналарини тоза сақлашга ҳаракат қилиш, иш жадвалига тўла амал қилиб, бекатларга вақтида етиб бориш уларнинг кундалик иш маъромини ташкил этмоқда.

Маълумки Мустақиллигимизнинг 6 йиллиги кезларида шаҳримиз аҳолисига яна бир қулайлик яратилди. «Амир Темур» шоҳбекатидан «Қўйлиқ» бозоригача бўлган 23 чақирим масофа бўйлаб янги троллейбус симлари ўрнатилиб, 28-йўналишли троллейбуслар қатнай бошлади. Очилиш маросимидан сўнг биринчи троллейбус — «Шкода» 1506 машинасини Файзулла Садибоев равон йўлдан бошқариб кетди. Бу йўналиш бўйлаб қатновчи троллейбусларнинг 14 ҳайдовчисига яна Файзулла ака сардор этиб тайинланди.

— Файзулла ҳақида ҳар қанча яхши гап айтса арзийди, — деди 1-троллейбус саройи бошлиғи Владимир Собиров. — Бирор кун, ой йўққи, у режасини бажармаган бўлсин. Жамоамизда бу ҳайдовчининг ўз ўрни бор.

Дарҳақиқат, бу гапларда маъно кўп. Баракали меҳнати эвазига бир неча бор Фахрий ёрлиқлар билан тақдирланган Файзулла Садибоевга ярашган меҳнатсеварлик ва соддалик, талабчанлик ва ишбилармонлик фазилатлари унга ҳурмат ва эътибор келтирмоқда.

*Шарифа ИЛЁСОВА.*

*СУРАТДА: Файзулла Садибоев.*




Одамзод ўз таъбига кўра тозалик, поклик ва гўзалликни ёқтиради. Инсоният пайдо бўлибдики, таъбига қараб иш қилади. Шунинг учун кимдандир бирор иш хусусида маслаҳат сўралса «таъбингга қара» дейилади. Демак, ҳамма нарса инсон таъбига боғлиқ.

Таъб атамаси маъносини тушунтириш учун бир-бирига ўхшаш бир қанча сўзларни келтириш мумкин: кўнгил, дид, фаросат, фаҳм, ақл-идрок, зако. Уларнинг деярли ҳаммаси тўғридек кўринади. Аслида таъб — гўзаллик ойнасидир. Кимдир шеригининг ғашига тегса, «бор ишингни қил, пашшадек хира бўлма» дейди, таъби-табиати нозик одам. Яна кимдир «таъб кўтармади, хира тортаяпти, кўнглим бузилиб кетяпти» дейди ниманидир томоша қилаётиб.

Таъб айниқса, томоша санъатида томошабин учун муҳим аҳамиятга эга. Юқорида айтганимиздек, таъб учун фақат ёқимли нарсалар, гўзаллик керак. Ғарб ва Шарқ халқлари таъбига бу сўз (хоҳиш маъносини ҳам беради) қарасак, бир-биридан катта фарқ қилади. Қайси овруполик хонасига кирманг, албатта қандайдир расмми, ҳайкалми кўриш мумкин. Ҳатто бут-санамлар тасвирларига сажда қилишади. Уларнинг худо, азиз-авлиёлари тасвирий санъатда акс эттирилган. Хонага санъат асари намунаси қўйилиши бир сўз билан безак, безатиш дейилган. Безак орқали хонага гўзаллик кирган.

Шарқ халқлари, жумладан мусулмонлар таъби Қуръони Карим ғоялари билан узвий боғлиқдир.

*Муносабат*

# ТАЪБ — НАФИСЛИК БЕЛГИСИ

Улар тасвирий санъатдан кўра наққошликни хуш кўришган. Айниқса, йирик тасвирли одам суратларини чизиш маълум бир вақтгача тақиқланишининг боиси одамзод Оллоҳ ягоналигини тан олмай, худо бир эмас, бир қанча деб, турли худолар тасвирларини ўзларича тасвирлаб, шуларга сажда қилишдан, сиғинишдан қайтариш эди. Эндиликда бу нарса маълум бўлаяптики, бу билан Ислом Оллоҳнинг ягоналигини тарғиб этибди холос. Дарвоқе, инсон яратган жонсиз нарсалар сира жонланиб кетмайди. Фақат Тангри Таоло нарсаларга жон ато эта олади. Инсон эса Оллоҳ яратиб қўйган нарсасидан нусха кўчирувчи, расмлар чизувчи, ҳайкаллар ясовчи гўзаллик шайдосидир. Исломият олими Алоуддин Мансур ҳам шу ҳақда уқтиришга ҳаракат қилиб: «Расмлар чизиш, жумладан одамлар тасвирларини яратиш илгари, яъни одамлар онги ҳали ўсмаган пайтда ман этилган бўлса, эндиликда онг ўсган пайтида мумкин» деганди. Шу боис араблар истилосидан сўнг, IX-X асрдан бошлаб мусулмон мамлакатларининг деярли ҳамма жойида тасвирий санъат равнақ топган.

Исломият дунёсида инсон таъбига кўра чизилган турли хил расмлар меъморлик, халқ санъати турларига гўзаллик киритмоқда. Айниқса, китоб мусаввирлиги авж олди. Тасвирий санъатсиз бирорта китоб қизиқарли чиқмай қолди. Боладан тортиб, катталаргача қўлларига бирор китоб тушиб қолгудек бўлса, — уни ўқишдан олдин дарров расмларини томоша қилишга одатланиб қолишган. Китоб рассомлари қадим замонлардан буён «китоб наққошлари», «китоб безатувчилар» деб ҳурмат билан тилга олинган. Машҳур мусаввирларимиз Камолиддин Беҳзод, Маҳмуд Музаҳҳиб, Мурод Муҳаммад Самарқандий каби китоб мусаввирлари эдилар. Ҳозирда эса Искандар Икромов асосан китоб наққоши бўлса, истеъдодли рассомимиз Чингиз Аҳмаров ҳам ишни китоб безашдан бошлаганди. Умуман айтганда китоб безаш санъатида ишлаш кўп рассомлар қўлидан келади. Китоб мусаввирлигида таъбни равшанлаштиради. Китобхон ўқиган нарсасида рассом иши саҳифама-саҳифа акс этиб, кишига нафосат бахш этади. Тасвирий санъат кучидан таъсирланади.

Мусулмон халқлар таъби азалдан тасвирий санъатдан кўра наққошликни ёқтириб келганини, халқ амалий санъати ниҳоятда тараққий этиб келганлигини юқорида айтган эдик. Дарҳақиқат, уларда яшаш жойларининг қайси тарафига назар солманг, чиройли нақшларни кўрасиз. Уйларининг ички деворидан тортиб, шифтгача нақш-тасвирларни томоша қилиш мумкин, худди музейга ўхшайди. Фақат нақш эмас, «нақши-нигор» ҳам дейилади. Алоҳида ажралиб чиққан «нигор» атамасини «сурат», «портрет» деб ҳам тушуниш мумкин. Бу тушунча тасвирий санъат атамасининг ўзгинасидир.

Баъзилар мусулмончиликда расмга тушиш, уни томоша қилишни гуноҳ ҳисоблашади. Хўш, ундай бўлса одамларнинг видеога тушиши, телевизор қаршисида турли тасвирларни томоша қилишларичи? Шайх Зайниддин масжиди имом-хатиби Раҳматулла қорига расмга тушиш хусусида савол беришганда: «Ярим қиёфали одам тасвирларида жон қаёқда бўлсин? Бундай расмларга тушиш мумкин» деган эканлар.

56-йиллар эди. Узоқ умр кўрган бувим чиройли, чақалоқлар расмлари акс эттирилган кўйлак киярдилар. Бир куни ёнларига ўтириб, шу тасвирларни томоша қилардим. «Бувижон, одам расмли кўйлак кийиш мусулмонлар учун гуноҳ эмасми?» деб савол берганимда, бувим кулиб: «Э, болам-эй, булар безак учун шунчаки расмлар, жони йўқ бегуноҳ гўдакларку. У дунёми, бу дунёми бандаси ожиз, Оллоҳдан бўлак ҳеч ким жон топиб беролмайди» деганларини ҳамон эслаб юраман. Гоҳ-гоҳ одам суратларини чизиб, бувимга кўрсатсам ҳам ишлари бўлмасди. Шу чақалоқлар расмлари акс этган чиройли кўйлакда намозларини бемалол ўқиб юраверардилар. Балки санъатга қизиқиб қолишимга бувимнинг эгниларидаги кўйлаклари сабаб бўлгандир. Чақалоқ тасвирли кўйлакни бувим одам деб, ёшларига кўра эп кўриб, таъблари кўтаргани учун кийгандирлар.

*Маҳмуд АҲМЕДОВ,*
*санъатшунос.*

*Санъат*

# БЕНАЗИР ОВОЗ СОҲИБАСИ



***Элларга донг таратган машҳур хонанда, Ўзбекистон халқ артисти, профессор Саодат Қобулова беназир овоз соҳибасидир. Ўзбек мусиқа маданияти равнақининг қарийб олтмиш йиллик даврини қўшиқ шинавандаларининг ҳурматини қозонган севимли хонандасиз тасаввур этиш қийин. Халқ қўшиқчилиги, мумтоз мақом ашулачилиги, анъанавий бастакорлик ҳамда миллий композиторлик жабҳалари юксалишида Саодат Қобулованинг хизматлари катта.***

Саодат Қобулова тушунчасича, чексиз олам ашулада намоён бўлади, энг буюк ҳодисаларни ҳам мусиқий тилда жуда содда қилиб ифодалаш мумкин. Халқимизнинг маданий мероси силсиласида куй-қўшиқларнинг ўрни каттадир. Айниқса, мақом ва мақом йўллари билан айтиладиган ашулаларда бу нарса янада яққол намоён бўлади. Санъаткор мафтункор, ёқимли овози, ашулачиликдаги маҳорати, айниқса мақом йўлларини беадад гўзал ижро этиши, билан эл олқишига сазовор бўлди. Атоқли ҳофизлар Жўрахон Султонов ва Маъмуржон Узоқов, забардаст созанда ва бастакор Тўхтасин Жалилов ёрдамида ёш ҳаваскор катта санъат сари дадил қадам қўйди. У ўзининг касб маҳоратини Муқимий номидаги ўзбек мусиқали драма ва комедия театрида бошлаган. Ўн олти ёшли хонанда илк бор актриса сифатида Т. Жалилов мусиқасига С. Абдулланинг «Тоҳир ва Зуҳра» ва К. Яшиннинг «Нурхон» спектаклларида ўз кучини синаб кўрди, концерт фаолиятини ҳам муваффақиятли давом эттирди.

1940 йилларнинг охирида Саодат Қобулова Москвадаги ўзбек опера студиясида бир қатор иқтидорли ёшлар сафида таҳсил кўрди. Ўқишни муваффақиятли туғаллагач, ўз хонандалик тақдирини ўзбек операси билан боғлади.

Йиллар ўтиб, республикамиз опера ижрочилигининг ёрқин юлдузи даражасига кўтарилган Саодат Қобулова ўнлаб рангоранг бадиий қиёфаларни гавдалантиришга, уларни ўзига хос моҳирона талқин этишга муяссар бўлди. Жамила («Лайли ва Мажнун»), Зуҳра («Тоҳир ва Зуҳра»), Асал («Гулсара»), Ҳури («Зайнаб ва Омон»), Гулнор («Зулматдан зиё»), Ойхон («Майсаранинг иши»), Санобар («Ҳамза») сингари бош ва етакчи аёллар сиймоларини ифодали акс эттирди. «Дилором» операсидаги бош қаҳрамон эса Саодат Қобулова ижро маҳоратининг чўққиси деб таърифланиши бежиз эмас.

Шунингдек, у чет эл классик опералари да Лейла («Марварид изловчилар»), Баттерфляй («Чио-чио сан»), Розина («Севилья сартароши»), Виолетта («Травиата»), Жильда («Риголетто») ролларини ижро этишда ўрнак кўрсатди.

Опера саҳнаси меҳнати қанчалик машаққатли бўлмасин, хонанда севимли, асл миллий ашулачиликдан узилмади, мақом ва уни куйлаш сирларини ўрганди. Ана шу даврда атоқли бастакорлар Тўхтасин Жалилов, Комилжон Жабборов, Орифхон Ҳотамов, Холхўжа Тўхтасиновлар Саодат Қобулова учун дилрабо тароналар яратдилар. Булардан «Ишқ сели», «Фиғонким», «Бу кўнгил», «Этмасмидим», «Ғанимат тут», «Айлагач», «Қаро кўзлар» айниқса, унинг севимли ашулалари бўлиб қолди ва репертуаридан мустаҳкам ўрин олди. Овозининг ўткирлиги, гўзаллиги, сўзларнинг бурро-бурро талаффуз этилиши айтилган ҳар бир ашула ва қўшиқнинг мазмундор, таъсирчан чиқишига имкон берарди. У қўшиқни эркин ва тингловчиларни ҳаяжонлантирадиган услубда берилиб айтгани учун ҳам ўзига жалб қилади.

Ўзбек композиторлари санъаткор ижро услубига монанд қатор қўшиқ ва романслар яратдилар. Биз севиб тинглайдиган «Дугоналар», «Кашмирда», «Келса нигор», «Баҳор» шулар жумласидандир.

Саодат Қобулованинг мафтункор овозида тез-тез янграб турадиган Дугоҳ, Самарқанд ушшоғи, Сарахбори Оромижон, Бухоро Ироғи, Баёт мақоми йўллари мухлислар қалбидан мустаҳкам ўрин эгаллаган.

Ватанимиз мусиқий бойликларини дунё узра тарғиб қилиш ишида санъаткорнинг улуши салмоқли. У Марказий Осиёнинг деярли барча республикаларида, шунингдек, Ҳиндистон, Бирма, Мўғулистон, Таиланд, Камбоджа, Болгария, Польша, Германия, Италия, Канада мамлакатлари бўйлаб ижодий сафарларда бўлиб, тингловчилар олқишига сазовор бўлди.

Айни пайтда устоз Тошкент Давлат консерваториясида хонандалик кафедрасининг мудири, профессор лавозимида хушовоз, юқори малакали мутахассисларни тайёрламоқда.

*Маъмура РЎЗИЕВА.*



*«Дилхирож» — ўзбек миллий рақсининг ноёб намунаси.*
*Рашид Галиев олган сурат.*

*Ажойиботлар*

## ИССИҚ ЖОЙИНИ СОВИТДИ

Нью-Йорк штатининг шимолида мўъжазгина Уэсли-Хилз шаҳарчаси бор. Шаҳарчада истиқомат қилувчи 24 ёшли Майкл Эделман учун уйидан кўчиш чинакам фожиага айланиши мумкин. Гап шундаки, бечора Майкл на ўрнидан тура олади, на ҳаракат қила олади. Йўқ, у ногирон ҳам, фалаж ҳам эмас. Сабаби унинг вазни 383 килограммдир. Аммо бу касаллик Майклнигина эмас, унинг 181 килограммлик онасини ҳам ўз комида муаллақ ушлаб турибди.

— Ҳозирги иморати таъмирталаб бўлиб қолгани сабабли Майкл учун янги бошпана топиш осон бўлгани йўқ, — дейди маҳаллий маъмурлардан бири.

Бақалоқнинг адвокати хабар қилишича, шаҳар маъмурлари махсус автокўтаргич ёрдамида Эделманни каравоти билан бирга юк машинасига ортишни мўлжаллаяпти. Ана шу машина уни янги истиқомат жойига элтиб қўяди. Аммо бу режани врач рухсат берганидан кейингина амалга ошириш мумкин эмиш.

## ШОҲОНА ТЎЙ

1971 йилда Ҳиндистон шаҳарларидан бирида бўлиб ўтган тўй нафақат ҳиндистонликларни, балки бутун оламни ҳайратга солган эди.

Унда Андхра-Прадеш штати раҳбарининг қизи турмушга чиқаётган эди. 100 минг киши таклиф этилган жойни безатиш, дастурхон тузатиш учунгина 600 минг рупий сарф қилинган. Сочилган пуллару, санъаткорларга кетган харажатнику гапирмай қўя қолайлик. Ахир 1 ой давом этган бу дабдабали тўй бекорга бутун дунёга овоза бўлмаган-да.

Тўёна тариқасида автомашиналар, тилла тақинчоқлар (жами 500 га яқин) тақдим этилган. Дабдабали тўйдан тарқаётган 100 минг киши ҳукумат аъзосининг қизи бойлигига ишониб шўрлик қайнона-қайнотасини ҳурматини жойига келтирармикан деб ўйлашмасди ҳам.

Бу маълумотни эшитиб, кўп ажабланмадик:

— Нима бўпти? Бизда ҳам баъзи тўйлар бундан сира қолишмайди!

*Дили ОРОМ тайёрлади.*

*Биз ва жаҳон*

# ЎРГАНИБ ВА ЎРГАТИБ

***Мустақиллик туфайли республикамиз билан дунёнинг кўплаб давлатлари ўртасида турли соҳаларда ҳамкорлик йилдан-йилга ривожланиб бормоқда. Бу ҳамкорлик жумладан, оммавий ахборот воситалари борасида ҳам муваффақият билан олиб борилямти. Ҳамкасбимиз — республика радиоси «Халқаро ҳаёт» бош муҳарририятининг катта муҳаррири Шокиржон Юсупов яқинда Францияда бўлиб, турли мамлакатларнинг оммавий ахборот воситалари вакиллари билан ўзаро тажриба алмашиб қайтди.***

***Сафар ташкилотчиси — Франция ташқи ишлар вазирлигининг аудио-визуал хизмати тасарруфидаги халқаро СИПАФ ташкилоти бўлди.***

**— Ана шу халқаро ташкилот ҳақида қисқача маълумот бериб ўтсангиз.**

— Халқаро СИПАФ ташкилоти дунё мамлакатларидаги оммавий ахборот воситалари вакиллари, хусусан радио ва тележурналистлар малакасини ошириш бўйича нуфузли муассаса ҳисобланади. Унинг бош идораси мамлакат пойтахти — Парижда жойлашган. Ҳар йили ўнлаб мамлакатлардан телерадиожурналистлар бу ерга келиб, ўз малакаларини ошириб, ўзаро тажриба алмашиб қайтадилар.

**— У ерда ўтказилган назарий ва амалий машғулотлар, олган тажриба ва таассуротларингиз ҳақида сўзлаб берсангиз.**

— Ўнлаб Шарқ ва Ғарб мамлакатларидан келган телерадиожурналистлар қатори мен ҳам икки ҳафта давом этган назарий ва амалий машғулотларда иштирок этиб, кўп нарсани ўргандим ва ўргатдим. Ўзаро тажриба алмашиш жараёнида шу нарсага амин бўлдимки, бизнинг иш жараёнларимиз, услубларимиз ҳам хорижлик ҳамкасбларимизникидан сира қолишмас экан. Фақатгина, бизда аппаратуралар, тан олиш керак, замонавий талабларга жавоб берадиган даражада эмас. Радиожурналистлар ўрганса арзийдиган айрим жиҳатлари шу бўлдики, айтайлик, репортёр биронбир корхонадан репортаж тайёрлаётган бўлса, у аввало, табиий, яъни корхоналардаги ишлаб чиқариш шовқинларига, айтиш мумкинки, акустик таассуротларга кўпроқ ўрин бераркан. Бу билан эшиттиришларнинг янада жонлироқ, табиий чиқиши таъминланаркан. Журналист, умуман, ҳар қандай касб эгаси дунё кезса, эшитганларини кўз билан кўрса, хорижлик ҳамкасблари билан мулоқотда бўлиб, тажриба алмашса, дунёда содир бўлаётган турли воқеа-ҳодисалардан воқиф бўлиб, ўз билим ва маҳоратини ошириб борса, бу менимча, албатта, фойдадан холи бўлмайди. Сафар давомида ўзим бунга тўла ишонч ҳосил қилдим.

**— Париждан ташқари яна қайси шаҳарларда бўлдингиз?**

— Францияга 1986 йилда ҳам борган эдим. Ўшанда мамлакат пойтахти — Париж, Рен ва Лил шаҳарларида бўлгандим. Бу гал машғулотлар, асосан, Парижда бўлди. Бўш вақтларимизда пойтахтни томоша қилдик. Париж—Оврупонинг гўзал шаҳарларидан бири. Шунингдек, Версалда ҳам бўлиб, диққатга сазовор жойлари билан танишдик. Рождество олдидан ҳаммаёқ дид билан безатилган. Французларнинг урф-одатлари, анъаналари билан ҳам танишдик. Улар айниқса, қадимий уй жиҳозлари, осори-атиқаларга жуда қизиқишаркан.

**— Францияда республикамизга қизиқиш қандай?**

— Французлар Ўзбекистонни жуда яхши билишади, айниқса, Самарқанд ва Бухоро шаҳарлари ҳақида тўлқинланиб сўзлайдилар. Кўплаб хорижий мамлакатлар сингари, Францияда ҳам мустақил Ўзбекистон ҳаётига, унинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўлига қизиқиш катта.

**— Шокиржон, француз тилини ҳам ўргана бошлагандирсиз?**

— Албатта. Сафар давомида бу гўзал тилни янада севиб қолдим. Уни чуқурроқ ўрганишга аҳд қилдим. Ўзим билан бирга Франциядан «Лора ва Патрик Францияда» деб номланган ўттизта ўқув дастурларини олиб келдим. Бу дастурлар француз тилини хорижий тил сифатида ўрганувчилар учун тузилган бўлиб, олти ой муддатга мўлжалланган. Шуни ҳам айтиб ўтишни истардимки, муштарийларимиз ана шу дастур билан республика радиоси «Халқаро ҳаёт» бош муҳарририятининг «Дунё» эшиттиришлари орқали мунтазам танишиб боришлари мумкин.

*Суҳбатдош*
*Мирзаали АКБАРОВ.*

## ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНА

ТОШКЕНТ ШАҲАР АДЛИЯ БОШҚАРМАСИНИНГ БОШЛИҒИ **НИЗОМИДДИН ЗОКИРОВ** ТАҲРИРИ ОСТИДА

**Савол: Тиббий маълумотномада янги туғилган болага бир ой ичида туғилганлик гувоҳномасини олиш керак дейилган. Агар шу муддат ўтиб кетса гувоҳномани олиш мумкинми?**

Жавоб: Туғилганлик ҳақидаги ариза бола туғилган кунидан бошлаб бир ой муддат ичида берилиши зарур.Бироқ айрим ҳолларда белгиланган муддатнинг ўтиб кетганлиги туғилганликнинг қайд этилишига тўсқин бўла олмайди.

**Савол: Никоҳни қайд қилиш пайтида аёл киши ўзининг фамилиясига эрининг фамилиясини ҳам қўшиб иккита фамилия олиши мумкинми?**

Жавоб: Никоҳни қайд этиш вақтида никоҳланувчилар ўз хоҳишларига кўра икки насабдан бирини умумий насаб деб танлашлари ёки ўзларининг никоҳдаги бўлган насабларида қолишлари мумкин. Бинобарин, бир кишининг иккита фамилияда бўлиши мумкин эмас.

**Савол: Никоҳни ишонч қоғози ёки вакил орқали қайд этиш мумкинми?**

Жавоб: Йўқ. Никоҳ фақат никоҳланувчиларнинг иштирокида қайд этилади. Ишонч қоғози, вакил орқали ёки бошқа йўллар билан никоҳдан ўтиш қонунга номувофиқдир.

**Савол: Насаб, исм, ота исмини алмаштиришга неча ёшдан бошлаб рухсат берилади?**

Жавоб: Насаб, исм, ота исмини алмаштиришга фуқаро 16 ёшга тўлиб, балоғатга етмай қолган ҳолда паспорт олган ёки шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжати бўлган тақдирдагина рухсат этилади.

**Савол: Никоҳланувчиларнинг биттаси қаттиқ бетоб бўлса никоҳни уйда қайд этиш мумкинми?**

Жавоб: Айрим ҳолларда никоҳланувчилардан бири қаттиқ бетоблиги сабабли ФХДЁ идорасига кела олмаса, никоҳ шифохонада, уйда иккала шахснинг иштирокида қайд этилади. Никоҳга кирувчининг ФХДЁ идорасига келишига тўсқинлик қиладиган қаттиқ бетоблиги тиббий маълумотнома билан тасдиқланган бўлиши керак.

*Гулнора ИНОМЖОНОВА,*
*Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси бошлиғининг ўринбосари.*

Телефон: 133-99-42

*Мозий*

# НУРЛИ БЎЁҚЛАР

***Нафис рангтасвир Шарқ тасвирий санъати жанрларидан биридир. Унинг тарихи бир неча юз йилликларга бориб тақалади.***

***Ўрта Осиёнинг араблар томонидан босиб олиниши, ислом динининг кириб келиши ва қарор топиши маҳаллий бадиий анъаналарнинг йўналишига ҳам таъсир қилди. Биноларнинг янги тури бўлган масжидлар, мадрасалар қуриш юзага келди, безакли, нақшли, деворий нақшли, хаттотлик сингари санъатларнинг ривожланиш суръати тезлашди.***

Хаттотлик санъати билан ажойиб меъморчилик шакли ила ишланган масжидларнинг қиёфаси (кўриниши) диний жиҳатдан табаррук ҳисобланган. Хаттотлик ўз моҳиятига кўра илоҳий сўзнинг ёзма шакли бўлиб, масжидлар биносида, албатта Қуръони Каримдан олинган ёзув (оят)лар бўлган. Масжидлар Оллоҳ таолонинг сўзлари ўқиладиган, ибодат жойидир, деб тан олинган.

Темурийлар даврида ижод қилган мусаввирлар, хаттотлар ва наққошлар томонидан тузилган низомлар ва рўйхатлар диққатга сазовордир. Бундай нодир рўйхат Тошкент Давлат университетининг асосий кутубхонасида сақланмоқда. Унда пайғамбаримиз даврларидан то Амир Темур бобокалонимиз даврларигача 1950 та маҳоратли уста-наққошлар, хаттотлар, мусаввирлар қайд этилган. Шулардан энг кучли ва маҳоратлилари 12 та бўлган. Али ибн-Искандар, Ал-Куҳистоний, Султон Али ал-Бовардий, Пир-Аҳмад Боғишамолий, Пир Саид Аҳмад, Уста Шамсиддин, Дўст Муҳаммад, Абдулҳай, уста Жаҳонгир ва бошқалар шулар жумласидандир.

Наққош ва мусаввир, ажойиб маҳорат эгаси бўлган Султон ал-Бовардийнинг миниатюралари ўша даврдаги ҳиротлик, шерозлик, табризлик мусаввирлар асарларидан ўзининг жозибаси билан ажралиб турарди. Кучли чизмали, ёрқин ранглар гаммаси билан хотиржам қиёфалар уйғунлиги-мўйқалам соҳибининг услуби эди. Султон Али миниатюраларида обидалар кўркам ифодаланса, табиат манзаралари худди гулдор гиламни эслатади.

1598 йилда номаълум бухоролик мусаввир томонидан Амир Хусрав Деҳлавийнинг «Хизирхон тарихи» номли асарига миниатюра ишланган. «Пайғамбар Муҳаммад алайҳиссаломнинг Буроқ отида қилган парвозлари» деб номланган бу миниатюрада Расулуллоҳнинг «Меърож» сафарлари акс эттирилган. Афсонавий отнинг қанотлари бўлиб, думи товусникисимон, чеҳраси эса бодом кўзли, ёйсимон қошлидир. Унинг устида эса содда кийимли, яъни оддий яктак кийиб салла ўраган, лекин юзларидан нур таралиб турган Муҳаммад алайҳиссалом ўтирар, атрофларида қанотли фариштлар тасвирланган. Миниатюрани диққат билан кузатган киши, мусаввирнинг асар яратишда бевосита Қуръон оятларига, ҳадисларга, қалбидаги иймон-эътиқодга суянган ҳолда, кўрган-кечирганларию эшитганларига асосланганига шубҳа қилмайди.

Ўрта аср мусаввирлари деворий безаклар яратиш билан бирга буюк Шарқ классик адабиёти вакилларининг асарларига дилларда ўчмас из қолдирувчи сувратлар, миниатюралар ишлаганлар. Бундай миниатюралар Низомий Ганжавий, Амир Хусрав Деҳлавий, Алишер Навоий, Абдураҳмон Жомий, Саъдий, Фирдавсий каби Шарқнинг энг баркамол шоирлари асарларини безатган.

Миниатюра санъатида шартлилик муҳим ҳисобланган. Мусаввирлар дунёни қандай бўлиши лозим бўлса шундай тасвирлайдилар. Рассом ҳажм ва перспективани тан олмай кўпроқ диққатни бўёқларга беради. Шартлилик муҳим бўлгани учун колорит ҳам, вақт ҳам шартли, яъни доим қиш эмас, балки баҳор, куз табиати тасвирланган. Эстетика қонунлари ва асар матнига бўйсунган ҳолда миниатюра мусаввирлари асосий қаҳрамон образларини яратишган.

Барча миниатюраларда гўзал йигит-қизларнинг белгилари бир хил яратилган. Уларни кулча юзли, оппоқ, кўзларини эса бодом шаклида тасвирлайдилар.

Шунингдек, қаҳрамонларнинг кийимлари ҳам сержило, ҳашамдор, ранг-баранг безакли қилиб ифодаланган.

Ўрта аср нафис тасвирий санъати мусаввирлари Шарқ мумтоз адабиёти асарларидан олган тасаввурларини бадиий воситаларда талқин этганлар.

Юқорида таъкидланган ифодалар Фирдавсийнинг «Шоҳнома»си, Низомийнинг «Хамса»си, Саъдийнинг «Бўстон» ва «Гулистон»ида, Деҳлавий ва Навоийнинг Низомий асарига назира тарзида ёзган «Хамса»ларида, тарихий солномалар кабиларда мужассамлашган.

Миниатюра санъати асрлар давомида ривожланиб, даврга мослашган ҳолда юксала борди. Энди миниатюралардаги содда тасвирлар ўрнини ҳашамдорлик, сержилолик, янада ёрқинликлар эгаллади.

Биргина мақолада миниатюра санъати ҳақида тўлиқ маълумот бериб бўлмайди. Биз бу мақолада Беҳзодгача бўлган давр мусаввирлари ҳақида бир озгина тўхталдик, холос. Дунё халқларини ҳайратга солган санъатнинг бу тури ҳақида қанча ёзилмасин, оздек. Санъатшунос олимлар томонидан нафис рангтасвир (миниатюра) жанри ва унда ижод этган нодир мўйқалам соҳиблари ҳақида кўплаб китоблар яратилган, ноёб асарлар таҳлил қилинган. Шунга қарамай, ҳозирги кунгача бу жанрнинг ҳали очилмаган қирралари жуда ҳам кўп.

*Шоира ЎРМОНОВА,*
*санъатшунос.*

*Текшириш*

## ОВҚАТ НЕГА ШЎР?

Ҳозир бошқа кундалик эҳтиёждаги моллар қатори ош тузи ишлаб чиқарувчи корхоналар сони ҳам кўпайиб бормоқда. Ана шулардан бири Чилонзор туманидаги Лутфий кўчаси, 7-уйда жойлашган 44 «Санрайз» қўшма корхонасига қарашли цехда ош тузи ишлаб чиқарилади. Бундай қараганда ишлар кўнгилдагидек. Цехдаги автомат тасмадан сочилиб турган тузни кафтингизга олиб қарасангиз, рисоладагидек.

Аммо, корхона фаолияти текшириб кўрилганда, ўзгача ҳолат намоён бўлди. Яъни ош тузига сифат сертификати йўқлиги уёқда турсин, цехда ишлаётганларнинг қонуний расмийлаштирилмаганлиги ҳам ошкор бўлди. Бунинг устига ишчилар тиббий кўрикдан ўтмаган, туз ишлаб чиқаришга рухсатномаси йўқ экан. Тарози эса давлат стандартидан ўтказилмаган. Савдодан тушган пулга қолганда бошқача манзара: назорат касса машинасидан ўтказилмайди. Ҳа, ош тузи ишлаб чиқаришда аҳвол шундай бўлгандан сўнг овқат шўр бўлишига ажабланмаса ҳам бўлади.

### ЧАЛКАШ «ЛИНКОЛЬН»

Шаҳримизда бири-биридан чиройли ва учар автомашиналар сони кўпайгандан кўпайиб бормоқда. Ана шундай машиналардан бири — «Линкольн»ни ҳайдовчи Шуҳрат Раҳимов бошқаради. У фуқаро Руслан Султонмуродовга транспорт хизмати кўрсатиб нақд 15000 сўм пул олибди. Текшириш чоғида мазкур автомашинани у Ёрқин Мастонжонов деган шахсдан кира ҳақининг ярмини бериш ҳисобига ижарага олганлиги аён бўлди. Устига-устак «Линкольн» аллақандай Дима деган шахсдан сотиб олинган ва ДАН идорасида рўйхатдан ўтказилмаган. Давлат рақами ҳам ўзга машинага тегишли экан.

Бу ҳолатнинг албатта, йўловчига алоқаси йўқ. Ҳайдовчи қандай машинада бўлмасин хизматда бўлса бас-да. Пулнинг кирим-чиқими ҳам қандай ҳал қилинади, ўзларига қолган. Бироқ кира ҳам қонунга қатъий риоя қилинган ҳолда бўлиши шарт.

### КАССА ИШЛАМАГАНМИШ

«Ипак-текстиль» қўшма корхонаси дўконида ғалати ҳолат содир бўлди. Сотувчи А. Улибишева харидорга сотилган 9 минг сўмлик маҳсулот учун назорат касса машинаси чекини уриб бермади. 15200 сўм пул тушуми касса машинасидан ўтказилмаган. Мен ҳам сендан қоламанми, дегандай сотувчи А. Девятова ҳам кассадаги 8500 сўм пулни назорат касса машинасидан ўтказмаган.

*Нурилла АЛИМОВ.*

***Пиёзнинг 400 га яқин тури бўлиб, диёримизда 230 тури кенг тарқалган. Унинг шифобахшлиги қарийб тўрт минг йиллар муқаддам Шарқ мамлакатларида аён эди. Уруғи доғни кетказади. Туз билан қўшиб ишлатилса, сўгалларни кўпоради, суви чиркин яраларга фойда қилади. Қулоқ шанғиллашида, унда йиринг ва сув пайдо бўлишида томизилади. Пиёз ичак ўқтин-ўқтин оғриганда, сариқ касаллигида, қуланж, атеросклероз хасталикларида, тумовда ишлатилган, чипқонга даво бўлган, гижжаларни туширишда фойдаланиб келинган.***

Бир воқеа хотирамдан сира кўтарилмайди. Қўшнимизнинг икки ойлик қизчаси бошида фавқулодда яра пайдо бўлиб, анча вақтгача тузалмади.

*Малҳамлар*

# ПИЁЗ

Шифокор ҳаракати зое кетди. Меҳригиё онанинг елиб-югуриши, барча ҳаракатлари беҳуда эди, йиринглар болага азоб берарди. Айрим кишилар «Энди у тузалмайди, тузалса ҳам кал бўлади, қиз болага бу катта қайғу» дейишди. Қизча икки ёшга қадам қўйганда, бир куни ҳовлида барқ уриб ўсаётган пиёзнинг баргини узиб, ея бошлади. Шундай иштиёқ билан ер эдики, уни кўрган ота-онаси ҳайрон қоларди. Пировардида 3-4 кун ичида бошидаги йирингли ярадан асар ҳам қолмади. Сочлари ўсиб, тенгқурлари билан ўйнайдиган бўлди. Оиласида энг кўп пиёз, саримсоқ еган бу қиз шундан буён ҳеч бир дардга чалинмади. Ҳозир у 15 ёшда. Ҳа, пиёз фақатгина зиравор неъмат, тотимли озиқ бўлиб қолмай, балки инсонни қатор касалликлардан муҳофаза ҳам қилади.

Пиёз меъда безлари фаолиятини яхшилайди, пешоб ҳайдайди, пешоб йўлларида пайдо бўлган қум ва тошларни эритади, йўталга қарши даво бўлади, балғам кўчиради. Ангинада, милк ва нафас йўллари шамоллаганда тўғралган пиёзни косага солиб, устига энгашилади ва бошқа катта рўмол ёпиб туриб, ўн дақиқа давомида чуқур нафас олинади. Бундан ташқари пиёз танада қанд миқдорини камайтиради. Буғда пиширилган ёки қўрга кўмилган пиёз чипқонни етилтиради. Майдаланган пиёз чакка ва манглайга қўйилса, бош оғриғи қолади.

Қадоқдан халос бўлиш учун ошхона сиркаси қўшиб қайнатилган пиёз билан артилади. Унинг барглари ёрилган терига, қалин тортаётган қадоққа қўйилади. Сархил барра пиёз иштаҳа очади. Соч тўкилишидан асрайди. Болгариялик олимлар фикрига кўра, тумов, гриппда барра пиёз шарбати билан намланган пилик бурун катакларига қўйилса яхши самара беради. Аммо кўк пиёзни кўп еб ҳам бўлмайди, меъда-ичак йўли, жигар ва буйраклар фаолияти суст бўлган кишиларга нохуш таъсир этади. Чунки пиёзда эфир мойи ва пурин моддалари кўп. Ҳамма нарсанинг меъёри бўлгани каби пиёзни ҳам меъёрида тановул этган маъқул.

*Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ,*
*доришунос.*



*Қишнинг кўрки қор билан.*

*Рустам Шарипов олган сурат.*

*Ёднома*

## ДЎСТЛИК КУЙЧИСИ ХОТИРАСИ

Халқимиз серқирра санъаткор Тамарахоним номини доимо ҳурмат билан ёдга олади. Унинг халқлар дўстлигини тараннум этувчи дилрабо қўшиқлари, шўхчан лапарлари бугунги кунда ҳам концерт жамоалари дастуридан муносиб ўрин олиб келмоқда. Эл севган санъаткорнинг уй-музейи яқинда унинг шогирдлари, қариндош-уруғлари, санъаткорлар, шарқшунослик институти талабалари, жамоатчилик вакиллари билан гавжум бўлди. Пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган Ҳиндистон маданий маркази Тамарахоним уй-музейи жамоаси билан биргаликда таниқли санъаткор ижодига бағишланган хотира кечаси ўтказди.

Тамарахоним жаҳоннинг кўплаб мамлакатлари қаторида Ҳиндистонда ҳам бир неча бор ижодий сафарда бўлган. Унинг концерт дастуридан ҳинд рақс ва қўшиқлари доимо ўрин олиб келган. Музейга қўйилган кўплаб фотосуратларда ана шу сафарлар, ҳинд санъаткорлари, жумладан, машҳур кинорежиссёр ва актёр Раж Капур, кино юлдузи Наргиз билан кўп йиллик дўстлик лавҳалари акс этган.

Кечада Тамарахоним уй-музейининг директори Шоиста Раҳимова, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган Ҳиндистон элчихонасининг биринчи котиби Виней Кватра, Ўзбекистон халқ артисти Ййра Абдуллаева, санъат соҳибасининг қизи Ванцетта хоним ва бошқа санъатшунослар, олимлар сўзга чиқиб, Тамарахонимнинг ўзбек рақсини жаҳонга танитиш, республикада хореография санъатини тараққий эттириш, халқлар ўртасида маданий ҳамкорликни ривожлантиришга улкан ҳисса қўшганини таъкидладилар.

Санъатда Тамарахоним йўналишини давом эттираётган Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист Мавлуда Ойнақулова, хизмат кўрсатган маданият ходими Дилором Омонуллаева устоз билан учрашувлари тўғрисидаги хотираларидан сўзлаб бердилар.

Ҳиндистоннинг миллий байрами — Республика кунига бағишлаб ўтказилган бу тадбир ҳинд ва ўзбек санъаткорлари ижросидаги концерт билан ниҳоясига етди.

*Бахтиёр МАНСУРОВ.*

*Божхона*

## ЮКСАК МАЛАКАГА ЭГА БЎЛАДИЛАР

Замонавий божхона ходими зийрак ва қатъиятли, жисмонан бақувват, айни вақтда хизмат вазифасига қараб тарихий санъат асарлари қийматини пухта биладиган, хорижий маҳсулот ишлаб чиқарувчилар ҳақида етарлича маълумотларга эга бўлиши ҳам керак.

Ана шундай юксак малакали ходимларни тайёрлаш мақсадида Давлат божхона қўмитаси қошида ташкил этилган ўқув маркази билан Ички ишлар вазирлиги академияси ва Тошкент Давлат иқтисодиёт университети билан кенг ҳамкорлик йўлга қўйилган. Шунингдек, ташқи алоқалар, халқаро божхона тизими соҳасида ҳам муайян тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ТАСИС дастури доирасида тингловчиларни Голландияга тажриба алмашиш учун йўллаш, Германия ва Буюк Британия божхона тизимида ходимларни ўқитиш ва қайта тайёрлаш тажрибасини ўрганиш, Евробожхона мутахассислари иштирокида «уйғунлашган тизим» бўйича халқаро семинарларда қатнашиш, МДҲ давлатларидаги божхона хизматлари билан алоқаларни такомиллаштириш режаланган.

*Миркарим МИРСОВУРОВ,*
*давлат божхона қўмитасининг бўлим бошлиғи.*

## ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР


**ИШГА МАРҲАМАТ!**

«ТОШКЕНТУЙЖОЙИНВЕСТҚУРИЛИШ»

корпорациясига қарашли

«ТУРОН-МАРКАЗҚУРИЛИШ» ҳиссадорлик жамияти қуйидаги

МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА ИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ:

1. Электрпайвандчи — 10-12 минг сўм
2. Монтажчи — 10-12 минг сўм
3. Сувоқчи — 8-10 минг сўм
4. Пардозловчи — 8-10 минг сўм
5. Бўёқчи — 6-8 минг сўм
6. Дурадгор — 6-8 минг сўм

Ишчилар махсус кийимлар, асбоблар билан таъминланади. Корхонада поликлиника, болалар боғчаси мавжуд. Ёлғизлар турар жой билан таъминланадилар.

Хоҳловчилар қуйидаги манзилга мурожаат этиши мумкин:

**Тошкент шаҳри, Ўзбекистон тор кўчаси, 16-а уй**
**«ТУРОН-МАРКАЗҚУРИЛИШ» ҲЖ.**
**Тел: 45-52-45, 45-52-37, 45-56-50, 45-58-41 ёки**
**ЧИЛОНЗОР ТУМАНИ МЕҲНАТ БИРЖАСИга мурожаат этишингиз мумкин:**
**Чилонзор, 16-мавзе, Фарҳод кўчаси, 10-уй.**
**Тел: 76-77-99, 76-15-44.**

**«ТОШКЕНТ УНИВЕРМАГИ» ОЧИҚ ТУРДАГИ АКЦИОНЕРЛИК САВДО-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЖАМИЯТИ ТАКЛИФ ЭТАДИ**

«Тошкент универмаги» ОТАСИЧЖ Оила йилида очилган «Болалар учун маҳсулотлар» янги ихтисослашган бўлинмасига сизларни таклиф этади. Ёш харидорлар ва уларнинг ота-оналари ўз дидларига ёқадиган ва одатий нархлардан 15 фоиз паст бўлган чиройли, қулай кийим-кечак ва пойабзалларни танлаб олишлари мумкин.

Ёрқин гуллар, сўнгги модадаги бичимлар, турфа ранг безаклар, мато парчаларидан тайёрланган гуллар болалар либосларини янада гўзаллаштиради. Болалар кийимлари янги бўлинмасига ташриф буюрсангиз сиз ўғил ва қизларингиз учун: плашч, жинси, драп матоларидан тикилган КУРТКАЛАР, поплин ва жун газламалардан КОСТЮМ-ШИМ ва пиджаклар, шимлар, юбкалар, ШОРТИЛАР, шунингдек СВИТЕРЛАР, КОФТАЛАР, ХАЛАТЛАР, ВОДОЛАЗКАЛАР харид қилишингиз мумкин. Янги кийим-кечаклар учун эса Сиз шунга мос пойабзал: ЭТИКЧАЛАР, БОТИНКАЛАР, КРОССОВКАЛАРНИ танлашингиз мумкин. Тез орада баҳор фасли кириб келишини ёдингиздан чиқарманг! Демак, Сизнинг болажонларингизга чиройли ГОЛЬФИЛАР, ПАЙПОҚЛАР, КОЛГОТКАЛАР зарур бўлади. Гўдаклар ҳаётининг дастлабки ойларида керак бўладиган барча анжомларни ўз ичига оладиган чиройли тўпламларни харид қилиш орқали эса Сиз янги туғилган чақалоқлар учун олдиндан зарур нарсаларни тайёрлаб қўясиз.

**«Болалар учун маҳсулотлар» янги бўлинмаси «Тошкент универмаги» очиқ турдаги акционерлик савдо-ишлаб чиқариш жамиятининг учинчи қаватида жойлашган. Иш соатлари 9 дан 19.00 гача. Дам олиш куни — якшанба.**


**ШАҲАР ТЕЛЕФОН ТАРМОҒИ АБОНЕНТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**

*Алоқа иншоотларини таъмирлаш бўйича режадаги профилактика ишлари амалга оширилиши муносабати билан 1998 йилнинг 24 январидан 2 февралигача Бобоев, Авлоний, қисман Баҳодир, Кишинёвская, Шоҳжаҳон, Термизий кўчаларида, Шоҳжаҳон тор кўчасида, Гуцулов кўчасида, қисман Абдуллаев даҳасида истиқомат қилувчи 53-АТС абонентларида алоқа бўлмайди.*

*Алоқа иншоотларини таъмирлаш бўйича режадаги профилактика ишлари амалга оширилиши муносабати билан 1998 йилнинг 26 январидан 6 февралигача Спутник даҳасининг 7,8,9-мавзеларида, Дўстлик даҳасининг 1-мавзесида истиқомат қилувчи 57/58-АТС абонентларида алоқа бўлмайди.*

**Тошкент шаҳар телефон тармоғи ва радиолаштириш ишлаб чиқариш бирлашмаси.**


• Юнусободнинг 13-мавзесида уч хонали квартира сотилади. Тел:61-29-92.

• Енгил автомобилни ижарага оламан. Тел:46-45-81.

• Арзон нархда ишлатилган YAMAHA 510 сотиб оламан Тел: 97-98-82.

• Тикув машинаси, музлатгич, телевизор харид қиламан. Тел:92-21-46.


Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ректорати, касаба уюшмаси ташкилоти патологик анатомия ва суд тиббиёти кафедрасининг собиқ кафедра мудири, тиббиёт фанлари доктори, профессор, уруш ва меҳнат фахрийси

**Пазил Жўраевич ТЎЛАГАНОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Юнусобод тумани ҳокими ижроия маҳкамаси ва «Маҳалла» хайрия жамғармасининг туман бўлими «Бодомзор» маҳалла фуқароларининг ўзини-ўзи бошқариш органи котиби

**Шоасл НАСРИТДИНОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ва қариндошларига чуқур таъзия изҳор этади.


**Бош муҳаррир Эркин ЭРНАЗАРОВ**

Тошкент оқшоми
Toshkent oqshomi

**Муассис: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ**

**Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32**

*Телефонлар: хатлар – 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-29-09.*

*Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи 209*

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтаси»га 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №10. ❖ Буюртма Г-0892. ❖ Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. ❖ Қоғоз бичими А-2 «Шарқ» нашриёт матбаа-концерни босмахонаси. ❖ Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. ❖ Босмага топшириш вақти 11.30. ❖ 9.272 нусхада босилди. 1 2 3 4 5 6.